

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Нурота туман ХТБ мудири
Б.Бобоназаров

2022 йил

М.У

Нурота туман Халқ таълим булими.

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Нурота туман ХТБга қарашли 32-мактаб.
2	Буюртмачи	Нурота туман ХТБга қарашли 32-мактаб.
3	Буюртмаучунасос	Нурота туман ХТБга қарашли 32-мактабни том қисмини жорий таъмирлаш.
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Нурота тумани Темирковук МФЙ
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Нурота туман ХТБга қарашли 32-мактабни том қисмини жорий таъмирлаш ишларини тез ва сифатли бажариш.
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.
7	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Бажарилган ишлар учун счет-фактурага асосан тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил апрел ойи.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя килиш шарт.
10	Молиялаштириш манбай	Нурота туман ХТБга қарашли 15-мактабнинг ўз маблағи

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Нурота туман ХТБ мудири



Б.Бобоназаров.

- I. Годи об ишорадади олиш учун
- II. Годи об ишорадади олиш учун
- III. Годи об ишорадади олиш учун

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Нурота -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Нурота туман ХТБга карашли 32-мактабнинг том қисмини жорий таъмиrlаш ишлари бажарадиган.

1.2. Танловнинг юкори қиймати **122 618 690** (Бир юз йигирма икки миллион олти юз ун сakkiz минг олти юз туксон сум) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати— аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Нурота туман ХТБга карашли 32-мактаб (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Нурота туман ХТБга карашли 32-мактаб.

Эл.адрес: nur_markaz_hisobxona@mail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Нурота туман ХТБ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлап тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳраб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартариш киритиш хуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тұғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сүнг қонунчилікта белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартыштар киритиш тұғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч күн олдин қарор қабул қилишга ҳақлы. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартыришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартыштар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилған ахборот ўзгартырилған бўлса, танлов ўтказиш тұғрисидаги эълонга ўзгартыштар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақлы. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишига ҳақлы. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилған таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилади